

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТҮЮТОРЛИК  
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА  
ВОСИТАЛАРИ

**Н.Киямов, Ф.Адилова**

*adilova.feruza @nbk.ru*

**АННОТАЦИЯ:** Уибу моқолада олий таълим тизимида таълим ва марбия жараёнини самарали ташкил этишида таълим муассасаси ва талабалар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг муассасаси ҳаёти ва таълим жараёнига мослашишига кўмаклашиш, уларга услугий, ижтимоий ва психолого-социални ёрдам кўрсатиш ва талабаларда танлаган касбига йўналтиришида кўмаклашишини ўз олдига мақсад қилган тьюторлик фаолиятида талабаларни илмий фаолият олиб боришида устоз ва тьюторнинг ёрдами ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Концепцияси, тьютор, тенденция, илмий фаолияти

**ABSTRACT :** This article aims to strengthen the relationship between the educational institution and students in the effective organization of the educational process in the higher education system, to assist students in adapting to the life of the institution and the educational process, to provide them with methodological, social and psychological assistance. the assistance of the teacher and tutor in carrying out scientific activity is highlighted.

**Keywords:** Concept, tutor, trend, scientific activity

Сўнгги йилларда мамлакатда ўкув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу тадбирларни амалга ишириш мақсадада Республика Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги — Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидағи ПФ-5847-сонли Фармони имзоланди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияси Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш номли биринчи параграфда, фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулокот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тыюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш белгилаб кўйилган [1].

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аввало тыютор бу ким? Тьютор (ўқитувчи-маслаҳатчи) ўқувчига нафақат билим ва кўникмаларни эгаллаш, балки ўз фаолиятидаги ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган таълим муҳитини яратадиган шахс. Талабалар, айниқса, биринчи курс талабалари учун барча саволлар бўйича боғланиш мумкин бўлган бундай шахсга эга бўлиш жуда муҳимdir. Зеро, тыютор ҳам дўст, ҳам маслаҳатчи. Кўп нарса тыюторга боғлиқ. Биринчи курс талабалари ўзлари учун мутлақо нотаниш бўлган янги муҳитга қандай мослашадилар, улар таълим ва талабаликни қандай ўрганадилар [2]. Ушбу муаммоларни ҳал этилишида олий таълим муассасларида тыюторлик фаолиятининг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

Тьюторнинг асл лавозими таълимга 17-асрда Оксфордда, кейинроқ Кембрижда киритилган. Тьютор лавозими ҳар бир талабанинг ўз таълим дастурини шакллантириш жараёнига ҳамроҳ бўладиган ва уларнинг аниқ таълим сўровларига жавоб берадиган маслаҳатлар берадиган юқори маслаҳатчи лавозими сифатида жорий этилган. Ушбу университетларда тьютор лавозими бугунги кунда ҳам унчалик ўзгармади. Тьюторлар олий

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

ўкув юртлари профессор-ўқитувчилари билан параллел равишда ишлайди. Шундай қилиб, тьюторнинг анъанавий тушунчаси уни талабаларнинг индивидуал таълим траэкториясига ҳамроҳлик қилувчи ва қўллаб-қувватловчи мураббий сифатида белгилайди [3].

Мамлакатимиз олий таъллим муассасаларига кириб келган ушуб замонавий таълимнинг тенденцияларидан бири бўлган тьюторнинг муассаса ўкув жараёнинг тўлиқ ҳуқуқли иштирокчиси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашдир.

Низомга кўра, тьюторларнинг асосий мақсади — таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда университет ва талабалар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг университет ҳаёти ва таълим жараёнига мослашишига кўмаклашиш, уларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва талабаларда танлаган касбига муҳаббатни оширишdir. Шу билан бирга улар йигит-қизларнинг дарс машғулотларини мунтазам таҳлил қилиб боради ва сифатини оширади, уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлайди ҳамда ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради. Шунингдек талабаларнинг шахсий ривожланишига, университет, республика ва халқаро миқёсдаги танлов ва олимпиадаларда муносиб иштирок этишига, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмаклашувчи инсон бўлиб, у йигит-қизларни касбга йўналтириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, турли илмий тўгаракларга жалб этиш ҳамда муаммо ва камчиликларини ўрганиб, уларга атрофлича ечим топиш билан шуғулланади.

Ушбу фаолиятни олиб боришда тьюторга асосий кумак беравчи деб, олий таълим профессор ўқитувчилари дейиш мумкин. Мисол тариқасида талабанинг илмий фаолият билан шуғулланишида “УСТОЗ-ТҮЮТОР-ТАЛАБА” илмий фаолияти тизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу тизимда профессор-ўқитувчи ўз ваколати ва вазифаси яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил-10-сентябрдаги Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва —устоз-шогирд|| ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида 20-2018-сон буйруғи 2-иловасида келтирилган —устоз-шогирд|| бандини бажаришда тыютор билан ҳамкорликни ташкил этади. Профессор-ўқитувчи вазифасига киритилган талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, давлат стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобакаларига тайёрлаш, талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш каби иш турларини бажарилишида талаба ва ўитувчи ўртасида боғловчи кўприк вазифасини тыютор бажариши лозимдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <https://lex.uz/docs/4545884>
2. [http://www.kstu.ru/article.jsp?id\\_e=29326&id=1162.](http://www.kstu.ru/article.jsp?id_e=29326&id=1162)
3. Романова Е. А. Позиция тыютора в системе современного высшего образования/ Международный научно-исследовательский журнал.- 2017. — № 04 (58) Част 3. - С. 53—55.
4. A.J.Xurramov, A.X.Boymurodov Use of active and Interactive methods in computer graphic classes/ Eurasian Scientific Herald, 2022. Volume 5, February, pp. 4-7.
5. Азимқулов, С.Н., Боймуродов, А.Х., (2021). Таълим самарадаорлигига эришишда тизимда инновацион улуллар. Academic Research In Educational Sciences, 2(2), 59-67.